

Хизматлар соҳаси статистикаси бўлими тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Хизматлар соҳаси статистикаси бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) Навоий вилояти статистика бошқармасининг таркибий бўлини маси ҳисобланади.

2. Бўлим фаолияти хизматлар соҳаси статистикаси ривожланишининг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, халқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

4. Бўлим ўз фаолиятини Бошқарма бошлиғининг ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади, бир вақтнинг ўзиде унинг фаолияти Хизматлар соҳаси статистикаси бошқармаси томонидан мувофиқлаштирилади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Бошқарманинг бошқа таркибий бўлимлари ва туман, шаҳар статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади

II. Бўлимнинг вазифа ва функциялари

6. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) хизматлар, транспорт ва ахборот инфратузилмаси статистикаси бўйича ахборотларни шакллантириш ва таҳлил этиш соҳасида:

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича (кузатув шакллари ва йиғма таҳлилий жадваллар намунаси, кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси, маълумотларни қайта ишлаш ва такомиллаштириш учун топшириқларни тайёрлаш) статистик инструментариеларни шакллантириш;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича ахборотларни Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ва муддатлар бўйича йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, сақлаш, чоп этиш ва тарқатиш;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича муҳим индикаторларни баҳолаш ва ҳисоб-китобини юритиш, барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторлари учун маълумотлар тайёрлаш;

ахборот-тушунтириш тадбирларини олиб боришда респондентлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

б) хизматлар, транспорт ва ахборот инфратузилмаси статистикаси соҳасида илмий асосланган методологияни жорий этиш соҳасида:

хизматлар соҳаси бўйича статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш ва сақлашнинг замонавий усул ва услубиятларини кенг жорий қилган ҳолда статистик кузатувларни ташкил этиш ва умумэътироф этилган халқаро амалиётга мослаштириб бориш;

хизматлар соҳаси статистикаси ахборотларини шакллантириш бўйича қабул қилинган услубий ҳужжатларни амалиётда қўлланилишини таъминлаш;

ҳудудий статистика органлари томонидан, хизматлар соҳаси статистикасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологияси асосида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича давлат статистика ҳисоботлари шакллари ва кузатув сўровномаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

в) замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида:

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиш ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиш ишларини ташкил этиш, бу йўналишда ҳудудий статистика органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда хизматлар соҳаси статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритиш.

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича (кузатув шакллари ва йиғма таҳлилий жадваллар намунаси, кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси, маълумотларни қайта ишлаш бўйича таклифлар тайёрлаш) статистик инструментарийларни шакллантириш ишларини олиб боради;

хизматлар соҳаси статистикасига оид илмий асосланган, умумэътироф этилган халқаро амалиётдан (кўрсатмалар, қўлланмалардан) фойдаланган ҳолда статистик методологияларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва амалиётда жорий қилиш бўйича таклифлар бериш;

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, хизматлар соҳаси статистикаси бўйича статистик кузатувлар ўтказиш, умумлаштириш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, сақлаш, статистик маълумотларни нашрга тайёрлаш ва тарқатиш ишларини ташкил этади;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича муҳим индикаторлар ҳисоб-китобини юритади, барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторлари учун маълумотлар тайёрлайди;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича ҳудудий статистика бўлималари фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, улар томонидан тақдим этилган ахборотларни таҳлил қилиш ишларини олиб боради;

кузатув шакллари бўйича респондентлар билан ўзаро ҳамкорликда ахборот-тушунтириш тадбирларини олиб боради;

Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурлари индикаторлари ва йиғма таҳлилий ахборотларни шакллантириш бўлими билан ҳамкорликда маърузалар, статистик тўпلامлар ҳамда хизматлар соҳаси статистикаси жараёнларини тавсифловчи бошқа статистик маълумотларни тайёрлайди;

ҳудудий статистика органларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

вазирлик ва идораларга хизматлар соҳаси статистикаси бўйича ахборотларни шакллантиришда услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

хизматлар соҳаси статистикаси оид статистик маълумотларни шакллантириш, сақлаш ва тарқатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлайди;

белгиланган тартибда Бўлимга юклатилган бошқа функцияларни амалга оширади.

Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган иқтисодийнинг энг муҳим устивор йўналишларини, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ишлиб чиқилган дастурларда белгиланган вазифаларни ҳамда мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг тенденциясини (ҳолатини) ҳисобга олган ҳолда таъминлайди.

III. Бўлимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

юридик ва жисмоний шахслардан ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан белгиланган шаклларда ва муддатларда статистик маълумотларни сўраш ва олиш;

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг таркиби ва мазмунига оид таклифлар киритиш;

хизматлар соҳаси статистикасига оид ҳисоботлар шаклларини, танлама кузатув сўрономаларини, уларни тўлдириш бўйича тушунтиришларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Бўлим ваколатларига кирадиган масалаларни кенгашда муҳокама қилиш учун маълумотлар тайёрлаш;

Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича ишлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

9. Бўлим ваколоти доирасида қуйидаги мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олади:

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича вазирлик ва идоралар иштирокида статистиканинг ягона услубияти ва ўзаро боғлиқ бўлган статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш;

белгиланган тартибда ҳисобот шакллари ва уларни йиғиш тартибига ўзгартириш киритиш бўйича Бошқарма бошлиғига таклифлар бериш ва ушбу таклифларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

хизматлар соҳаси статистикаси услубияти, жамланма жадваллар тайёрлаш бўйича дастурий таъминотлар, статистика ҳисоботларини қайта ишлаш ва статистика ахборотларини тайёрлаш бўйича бошқа масалаларда ўз фаолиятини ҳудудий статистика бўлимлари билан биргаликда олиб бориш.

IV. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

10. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, ушбу Низом, Давлат статистика қўмитаси буйруқлари ва қарорлари, шунингдек Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Давлат статистика қўмитасининг I ва II ярим йиллиги учун иш режалари, Хизматлар соҳаси статистикаси бошқармасининг йиллик иш режаси, ходимларнинг лавозим йўриқномалари асосида ташкил этилади.

Бўлим ходимларининг лавозим йўриқномалари Бошқарма бошлиғининг ўринбосари билан келишилади ва Бўлим бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича Бўлим фаолияти самарадорлигининг доимий мониторинги, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини ва Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти топшириқларини электрон ҳужжат айланиши тизимида ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, шунингдек Бўлим томонидан бажарилган режадаги ва режадан ташқари ишлар тўғрисида Бошқарманинг ойлик ҳисоботини тузиш орқали ташкил этилади.

11. Бўлимга Бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Бўлим бошлиғи:

Бўлим ходимлари томонидан юклатилган вазифалар, мажбуриятларни зарур даражада бажарилишини таъминлайди, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун жавоб беради;

Бўлим ишининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бошқарма бошлиғи билан биргаликда Бўлим фаолиятини такомиллаштириш, Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

ходимлар томонидан Бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат ва тижорат сирларига риоя қилинишини ва сақланишини таъминлайди.

Бўлим бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

ходимларни бошқа лавозимларга кўрсатиш, ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини қўллаш тўғрисида Бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

Бўлим ходимларининг лавозим маошларига шахсий устамалар белгилаш, шунингдек аввалги ўрнатилган устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш бўйича Бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

Бўлим ишини ташкил этишни, усули ва услубини яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизоминини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалаларни муҳокама қилишда идоралар, корхона ва ташкилотларда Вилоят статистика бошқармаси номидан қатнашиш.

V. Бўлимнинг жавобгарлиги

12. Бўлим ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун, бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат, тижорат сирларига риоя қилиниши ва сақланишини таъминлаш учун жавоб беради.

Бўлим бошлиғи ва ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган энг муҳим устивор вазифалар ва замонавий талаблардан келиб чиқиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низом ҳамда ушбу низомда белгиланган вазифалар, функциялар, мажбуриятларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши, ўзига берилган ваколатлар, ҳуқуқлардан қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши учун жавоб берадилар.